O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2001 йил 26 май шанба
Сотувда эркин нархда
№ 103 (2665)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Олий Мажлисда

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларига бағишланди

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси томонидан ташкил этилган «Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Семинар-кенгаш ишида умумий юрисдикция судлари судьяларининг олий малака ҳайъати, судьяларнинг малака ҳайъатлари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ходимлари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашда «Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш», «Судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолияти қонунийлигини таъминлаш», «Судьяликка номзодлар заҳирасини ташкил этиш ва судьялик лавозимларига тавсия этишда судьяларнинг малака ҳайъатларининг иштироки» ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бўлимларининг суд кадрлари билан ишлаш борасидаги вазифалари» мавзуларида маърузалар тингланди.

Сўзга чиққанлар Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги дастурий маърузаси асосида ишлаб чиқилган ва Президентнинг 2000 йил 2 июндаги Фармони билан тасдиқланган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар дастурини амалга ошириш борасида «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳririда қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 мартдаги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилиши суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда жиддий қадам бўлганлигини, судларнинг ихтисослаштирилганлиги эса одил судлов самарадорлигини ошириш билан бирга суд қарорларининг адолатлилигини таъминлашга ва фуқароларнинг ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилишни янада яхшилашга хизмат қилаётганлигини таъкидладилар.

Семинар-кенгаш қатнашчилари судларни кадрлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги қонун меъёрларини оғишмай амалга ошириш ва департамент фаолиятидаги айрим камчиликларни бартараф этиш йўллари ҳақида маслаҳатлашиб олдилар.

Семинар-кенгаш ишига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси раиси Ф.Муҳитдинова раҳбарлик қилди.

Ўз мухбиримиз.

Мустақиллик иншоотлари



Термизнинг янги темир йўл бекати

Бу объектни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига фойдаланишга топшириш мўлжалланган. У мамлакатимизда ягона лойиҳа асосида бунёд этилмоқда, бир кеча-кундузда 500 нафар йўловчига хизмат кўрсата олади. Бунинг учун темир йўл бекатида барча қулайликлар яратилади. Хусусан, махсус зал, компьютерлаштирилган чиптахоналар, кафетерий, кутиш зали, қариялар ва она-болаларга аталган 30 ўринли меҳмонхона қурилмоқда.

Қурилиш ишларини «Ўзбектемирйўлқурилиш» бошқармасининг «Йўлдош» очиқ турдаги акциядорлик жамияти қурувчилари амалга оширмоқдалар. Бухоро темир йўл дирекцияси қурилиш участкасининг 22 нафар устаси эса бўлажак бекатни замонавий ва Шарқона услубдаги ганчкорлик безаклари билан безамоқда.

Бу ерда бугунга қадар 120 миллион сўмликдан зиёд иш бажарилди. Бунёдкорлар қурилиш ишларини муддатидан аввал — август ойигача якунлаш ниятида астойдил ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: янги бекат кун сайин қад ростлаяпти; бекат қурилиши техник бўлимининг бошлиғи Жума Исмоилов ва участка бошлиғи Парда Одинаев қурилиш майдонида.

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, олима аёллар «Олима» уюшмаси Фридрих Эберт номли жамғарма билан ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётида олима аёлларнинг ўрни» мавзуида анжуман ўтказди.

Олималар анжумани

Мазкур уюшма раиси, академик С.Рашидова бошқарган ушбу анжуманда Олий Мажлис депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Гуломова анжуманни очар экан, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз Ислом Каримов хотин-қизларнинг оиладаги ролини, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги фаолиятини юксалтириш, ҳуқуқий билимларини ошириш каби масалаларни давлат сиёсати даражасига кўтарганини таъкидлади. 1991 йилда «Олима» уюшмаси ташкил этилгани ҳам бу борадаги хайрли ишлардан бўлди.

Анжуман қатнашчилари «Ижтимоий фикр» маркази директори, академик Р.Убайдуллаева ва ЎзФА Тарих институти директори, профессор Д.Алимованинг аёллар таълим олиш ва малака ошириш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий фанлар соҳасида хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш масалаларига бағишланган маърузаларини тинглади.

Зуҳра УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Кимни сайладингиз?

Маҳалланинг хоҳиши

оқсоқолни қайта танлади

— Ўзимизнинг оқсоқолни сайлаймиз, бошқа номзод излашга ҳожат йўқ, — дейишади Акмал Икромов туманидаги Ҳабиб Абдуллаев маҳалласи сайловчилари. — Саккиз йилдирки, у маҳалла ташвишлари билан елиб-югуради. Ишчанлиги-ю ташаббускорлигини айтмайсизми?

Маҳалла аҳлининг хоҳиши сайловни ташкил этувчи ва ўтказувчи ишчи гуруҳининг фикри билан бир жойдан чиқди. Оқсоқолликка шу лавозимда ишлаб турган Ўткир Обидов номзоди тавсия этилди. Сайловчилар вакилларининг йиғилишида номзод етарли миқдорда овоз олиб, маҳалла оқсоқоллигига қайта сайланди.

— Оқсоқолликка фақат Ўткир Обидов номзодининг кўрсатилиши, унинг маҳалла фаровонлиги йўлида мақташга арзирли ишларни амалга оширганида, — деди сайловчилар вакили, нафақахўр Яҳё Тўхтаев. — Гузаримизнинг икки қаватли замонавий биноси, чойхона, оналар ва болалар поликлиникаси, милиция таянч пункти ана шу инсон ташаббуси туфайли барпо этилди. Ободончилик ва осойишталик борасидаги ишларининг саноғига етиш қийин.

Сайловчиларнинг яна бир вакили, ҳамшира Турсуной Абиева эса оналар ва болалар поликлиникасидаги шароит ҳақида гапирди:

— Бу кишининг оталари Мирзоҳид Обидов маҳаллага 30 йил оқсоқоллик қилган. Мирзоҳид ака қурган кичик тиббиёт масканини Ўткир Обидов кошонага айлантирди. Тўғри, маҳалламиздаги барча иншоотлар халқ кучи — ҳашар йўли билан барпо этилди. Лекин маҳалла аҳлини бирлаштирган, ташаббус бошлаган ўзимизнинг оқсоқолимиз-да. Шунинг учун ҳам биз маҳаллага бошчилик қилишни Ўткир акага ишондик.

Маҳаллада 722 та оила бор. 2400 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Аҳиллик маҳалланинг асосий шиорига айланган. Ҳасадгўйлик маҳалла учун ёт. Бу ердаги орасталик, ободончилик, осойишталикка ҳамма ҳавас қилади. Тўйлар, маъракалар доимо тартибли ўтади.

—Яна бир муаммомиз бор, — дейди оқсоқол. — У ҳам бўлса маҳаллада ҳовуз қуришимиз учун жой керак. Агар ҳокимлик ана шу масалада ҳам қўллаб юборса, маҳалламиз янада обод бўлади, кўркига кўрк қўшилади.

Бу оқсоқолнинг дастлабки иш кунидаги дастлабки нияти. Унинг қалбида бундай орзулар, эзгу ниятлар ҳали бисёр. Биз у киши билан суҳбатлашиб: «Ташаббус бор экан, ҳамма жойда ва ҳамма соҳада дадил қадамлар ташланаверади», деган хулосага келдик.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Республика Маданият ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси ташаббуси билан Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган «Рақс байрами» ҳафталиги бошланди.

Рақс байрамига марҳамат!

Бундан кўзланган мақсад — миллий қадриятларимизни тиклаш, қадимий санъатимиздаги ноёб меросни авайлаб-асраш ва кенг тарғиб этиш, ёшларда асрлар оша қадрланиб, эзозланиб келинаётган миллий рақс санъатимизга эҳтиром ва ҳавас туйғуларини уйғотишдан иборат.

Маълумки, бирлашма қошидаги жамоалар Франция, Германия, Япония, Бельгияда ўтказилган кўплаб халқаро фестивалларда, тадбирларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Ҳафталикда ўзбек рақс санъати соҳасида истиқлол йилларида эришилган ана шундай ютуқлар кенг намойиш этилади.

Рақс байрамида «Зарафшон», «Лазги», «Тановар» сингари дасталар билан бир қаторда, санъат оламига илдам қадам қўйиб келаётган янги жамоаларга ҳам кенг ўрин берилади. Шунингдек, ҳафталикда яқиндагина ташкил этилган «Етти гўзал» дастасининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтади. Тадбир 31 май — Мукаррама Турғунбоева таваллуд топган куни катта байрам дастури ҳамда 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоялаш кунига бағишланган «Мукаррама» студияси концерти билан якунланади.

Н. УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Илдизлари теран дарахт

Қорақалпоғистон Республикаси

Қорақалпоғистон! Бу заминнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажаги тўғрисидаги бетакрор таърифу тавсифни солномаларда, «Авесто»нинг қадри сўнмас саҳифаларида, Абу Райҳон Беруний ҳамда Сулаймон Боқирғоний, Бердақ ва Ажиниёзнинг ўлмас асарларида, Қурбонбой Жиров ҳамда Аҳмад ва Жапақ бахши достонларида, Жўлмирза ва Тўлепберган насрида, Аббоз, Содиқ, Аяпберган, Тилеўберган, Ибройимларнинг назмида, Отажон Худойшукуровнинг бетимсол тароналарида, Ойимхон, Сулувхон, Мирзагул, Муяссарларнинг қўшиқларида ҳис қилиш мумкин.

Бугун Қорақалпоғистоннинг кўп миллатли халқи истиқлол ҳавосидан нафас олиб, буюк келажагимиз биносига яраша ўз ғиштларини қўймоқда. Бу ҳақдаги материаллар билан газетамизнинг иккинчи саҳифасида танишасиз.

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Водийликлар армуғони

Кеча Қорақалпоғистон пойтахтининг жамоат аҳли фарғоналиклар томонидан юборилган саховат поездини зўр тантана билан кутиб олдилар.

Экологик вазият ғоят мураккаб бўлган Оролбўйи аҳолиси фарғоналиклардан 17 миллион сўмлик озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармонларни қабул қилиб олди. Саховат поездида Олтиариқнинг бодрингидан тортиб, Бешариқнинг пиёзию Қуванинг ўригу гилосигача бор.

«Интернет» орқали сабоқ

Андижон вилояти «Бизнес-имкон» бизнес инкубатори қошида ташкил этилган марказ АҚШнинг Оклахома университети профессор-ўқитувчиларининг «Интернет» орқали дарс ўтиши тўғрисида шартнома тузди.

Бундан кўзда тутилган мақсад йигит-қизларни шу куннинг талаби даражасида ўқитиш, хорижий тилларга ўргатиш, ҳунарли бўлишига кўмаклашишдир. Энди тингловчилар менежмент асослари, ахборот тизими менежменти, маркетинг, иқтисод асослари, иқтисодий тараққиёт омиллари, халқаро ҳуқуқ ва халқаро туризм йўналишлари бўйича лицейлар билан танишиш, ўрганиш имконига эга бўлдилар.

Маҳаллада теннис корти

Пойтахтимиздаги 261-мактаб ҳудудида спорт мажмуаси қуриб битказилди. Унинг ташаббускори «Чиғатой-Оқтепа» маҳалласи оқсоқоли Хайрулла Мўминов бўлди. Бу ерда мингдан зиёд ўқувчилар спортнинг етти тури бўйича мунтазам шуғулланишлари мумкин. Баскетбол майдончаси, волейбол, футбол майдони, айниқса, мажмуадаги теннис корти барчани қувонтиргани, шубҳасиз.

Корейс рассомлари кўргазмаси

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида корейс рассомлари асарлари кўргазмаси очилди. Унда элликдан зиёд мўйқалам усталарининг асарлари намойиш этилаётир. Бу ерда В.Ан, Н.Цойнинг лакли миниатюрада, Н.Цхенинг қўғирчоқ мультипликацияси асарларини учратиш мумкин. Шунингдек, таниқли мусаввирлар В.Ан, Н.Пак, Н.Шин, В.Тийнинг асарлари ҳам кўргазмага алоҳида ҳусн бахш этган.

— Эртага бу пиллалар атласу шойи бўлиб қизларимиз эгнида ял-ял ёнади, — дейди Самарқанд пилла ургучилиги заводи очиқ турдаги акциядорлик жамияти ишчиси Саида Амирова.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИ»

танлови иштирокчиларни кутмоқда

Мамлакатимиз халқи Ватанимиз мустақиллигининг шонли 10 йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўраётган айни кунларда жамғарма

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИ»

аньанавий танлови ғолибларини аниқлашга киришди.

Танловда қатнашиш орзусида юрган ижодкорлардан Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, жамият ҳаёти, юртдошларимиз онги, тафаккурида юз бераётган тарихий эврилишлар жараёни, мамлакатимиз қудрати, салоҳиятини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган бугунги қаҳрамонларимиз қиёфасини ўзига хос, образли бўёқлар, талқинлар орқали қизиқарли ва таъсирчан акс эттирган мақола, кўрсатув, эшиттириш ва фотосуратларини (2000 йили матбуотда эълон қилинган) шу йилнинг 10 июнидан кечикмай тақдим этишлари сўралади.

Танлов ҳайъатига келиб тушган ижодий ишлар муаллифларига қайтарилмайди.

Манзил: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 31-хона.
Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси. Телефонлар: 144-64-62, 144-37-87.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

«Сони»га нима бўлди?

Токио фонд биржасида акциялар нархи яна пастлай бошлади. Мамлакатдаги 225 та катта компаниянинг қимматбаҳо қоғозлари баҳосини белгиловчи «Никкэй» кўрсаткичи пайшанба куни 2 фоиз арзонлашди. Айниқса, электр техника маҳсулотлари ишлаб чиқараётган «Сони», «Кэнон» ва «Эн-и-си» концернларининг қимматбаҳо қоғозлари анчагина қадрсизланди. Сўнгги кунларда иеннинг АҚШ долларига нисбатан қадри ошгани сабабли Япония компанияларининг экспорти қимматлашиб кетмоқда. Акциялар арзонлашувининг бош сабаби ҳам шунда.

Сенатда кучлар ўзгарди

Кеча АҚШ сенатида Соғлиқни сақлаш, таълим ва меҳнат масалалари қўмитасини бошқараётган республикачи сенатор Жим Жиффордс республикачилар партиясидан расмий равишда чиққанлиги ва бошқа партия аъзолигига кирмаслигини эълон қилди. Бу янгилик АҚШ сенатидаги кучлар таркибини тубдан

ўзгартиришга сабаб бўлди. Жумладан, республикачилар кўпчилик бўлиб эгаллаган ўринларидан ҳам маҳрум бўлишди. Маълумки, шу вақтгача мамлакат сенатида республика ва демократларнинг кучлари теппа-тенг бўлган бўлса, энди демократлар битта кўп овозга эга бўлди. Шу кунларда жаҳон матбуоти Ж.Жиффордснинг ушбу қадами Оқ уй раҳбари, республикачи Ж.Буш фаолиятига ҳам таъсир ўтказиши мумкинлиги ҳақида шарҳлар бермоқда.

Жосус самолёт Америкага қайтади

Хитойнинг Хайнан оролида ушлаб турилган АҚШнинг жосус самолёти бўлакларга бўлинган ҳолда Америкага олиб кетилади. Вашингтон мулозимлари томонидан билдирилган шундай таклифга куни кеча Пекин намояндалари ижобий жавоб қайтаришди. Маълумки, мазкур жосус самолёт 1 апрелдан буён Хайнан оролида ушлаб турилган эди.

Сўнгги сонияларда...

Кеча Россия Бош вазири ўринбосари Илья Келебанов «Курск» сув ости кемаси шу йилнинг 15 сентябригача қуруқликка олиб чиқилишини маълум қилди.

* * *

Кеча тунга яқин Индонезиянинг Ява оролида рихтер шкаласи бўйича 6,3 балл билан ер силкиниши юз берди. Табиий офат натижасида қурбонлар ва жароҳатланганларнинг борлиги айтилмоқда.

* * *

Кеча тунда Финляндия ҳудудига қочиб ўтган россиялик чегарачи Сергей Строчихин ўз жонига қасд қилди.

Илдизлари теран дарахт

Қорақалпоғистон Республикаси

Бир замин фарзандлари

Қорақалпоғистон тупроғининг ҳар қаричида тарих муҳри бор. Қизилқум саҳроси оша Тўрткўл ёнбошидаги яйловларга кириб келсангиз, Ёнбошқалъа, Қўйқирилганқалъа, Бозорқалъа, ундан берироқдаги Элликқалъа даштида Гулдурсин, Бургутқалъа, Қирққиз, Қўрғошинқалъа, Қаватқалъа, Хоразмшоҳларнинг қадимий қароргоҳи — Тупроққалъа, Беруний шаҳри атрофида эса Хоразм давлатларига етти аср пойтахт бўлган Кат қалъаси қолдиқлари, сўнгра афсонавий Чилпиқ, Хўжайлидаги Миздахон мажмуаси, Нукус атрофидаги Кердер қалъаси, хуллас, ўтмишдаги «минг шаҳар мамлакати»га дуч келасиз.

Бундан минг йиллар муқаддам бу заминда олис аждодларимиз — хоразмий, сак, массагет, ўғуз, қипчоқ каби бобокалонларимиз яшаган. Оққан дарё қайта мавж уриб оққанидек, бугунга келиб, Қуйи Амударё воҳасида, шу жумладан, Қорақалпоғистонда ҳам бир қанча қондош, жондош миллатлардан таркиб топган меҳнатсевар, аҳил халқ яшаб келмоқда.

Қизил империя даврида мамлакатимиз қатори Қорақалпоғистон ҳам арзон хомашё манбаига айлантирилган эди.

1991 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, мустақиллик қуёшигина бунга барҳам берди. Қорақалпоғистонга бахту иқбол олиб келди. Республика ўз Конституцияси, Байроғи, Герби, Мадҳиясига эга бўлди.

Истиқлолнинг 10 йили давомида Қорақалпоғистонимизда ўз кўлами, салмоғи, аҳамияти ва миқёси билан 100 йилга татийдиган ўсиш-ўзгаришлар юз берди. Бир вақтлари бизда минг машаққатлар эвазига етиштирилган пахта хомашёсининг арзимаган миқдоригина қайта ишланган бўлса, эндиликда мустақиллик боис барпо этилган «Катекс» ва «Элтекс» тўқимачилик мажмуалари маҳсулотлари жаҳон бозорларидан ўз ўрнини топмоқда. Шўролар тузуми шароитида ёппасига ғўза ҳамда шоли майдонига айлантирилган Қорақалпоғистон икки йилдан буён давлатга 50 минг тонна атрофида буғдой сотмоқда. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа барча тармоқларига бозор муносабатлари дадил олиб кирилмоқда. Қўнғирот сода заводи, «Султонвайстоғ-Мискин-Учқудук» темир йўли қурилишлари икки аср чорраҳасидаги улкан бунёдкорлик ишларига айланди. Хўжайли шиша, Нукус мармар, Бўстон консерва заводлари маҳсулот чиқара бошлади. Қорақалпоғистон пойтахтини Хўжайли билан боғлайдиган замонавий кўприк, Бўстон шаҳрида меъморчилигимизнинг ажойиб намуналарини ўзида акс эттирган муҳташам Санъат саройи барпо этилди. Қатор туманларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бинолари қад тиклади.

Қорақалпоғистонни янада гуллаб-яшнаган диёрга айлантириш, давлатимиз мустақиллигини таъминлашда қорақалпоқ халқи билан биргаликда бу ерда бир замин фарзандлари бўлиб яшаётган ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз, тожик, рус, корейс, украин, белорус, татар ва бошқа миллат вакиллари ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистонда 1,5 миллиондан ортиқ 86 миллатга мансуб аҳоли истиқомат қилмоқда. Бизнинг асосий бойлигимиз бу халқлар ўртасидаги дўстлик, тотувлик ва ҳамжиҳатликдир. Қорақалпоғистонда турли миллат вакиллари болаларининг ўз она тилларида билим олишларига кенг имкониятлар яратилган. Таълим-тарбия ишлари 161 мактабда икки тилда, 30 мактабда уч тилда, 10 мактабда тўрт тилда олиб борилади. Уларни зарур дарсликлар ва ўқув қуроллари билан тўла таъминлаш учун барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўзида кам таъминланган оилаларнинг болалари зарур дарсликлар ва ўқув қуроллари билан бепул таъминландилар. Республикамизда қорақалпоқ тилидаги нашрлардан ташқари ўзбек тилида «Аму тонги» газетаси, «Жайхун» журнали, қозоқ тилида «Достық уни» газетаси, «Оркен» журнали, рус тилида «Вести Каракалпакстана» газеталари мунтазам чоп этилмоқда.

Бугунги кунда ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг асрий дўстлиги янгича мазмун касб этмоқди. Истиқлолдан сўнг икки марта Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон маданияти кунларининг ўтказилиши маънавиятимиз илдизлари нақадар теран эканини намойиш этди. Бердақ ва Ажиниёздек ардоқли боболаримиз тавалуд саналарининг мамлакат миқёсида нишонланиши, иқтисодиёт билан биргаликда маънавиятда ҳам ўрнак кўрсатиб келаётган Элликқалъа туманида «Шеърият байрами» ўтказилиши бунга яққол далил бўла олади.

Юқорида таъкидланганидек, Қорақалпоғистон — кўп миллатли диёр. Унда истиқомат қилувчи ҳар бир миллат ўзининг бой маданияти, урф-одатларига эга. Ҳар бир миллат вакилининг ўз ўтмишини, бой тарихий меросини чуқур ўрганишни таъминлаш мақсадида қозоқ, туркман, рус, корейс миллий-маданий марказлари ташкил этилиб, самарали фаолият кўрсатмоқда. «Асем шоу» ансамбли, корейс миллий-маданий маркази қошида корейс тилини ўрганиш тўгараги фаолият кўрсатмоқда. Ўтказилаётган турли хил тантанали тадбирларда қозоқ, туркман, рус, корейс миллий-маданий марказлари аъзолари ўзларининг ранг-баранг концерт дастурлари билан иштирок этадилар.

Истиқлол туфайли Қорақалпоғистондаги ҳар қандай миллат вакили ўзининг интеллектуал имкониятларини ишга солмоқда, эл назарига тушмоқдалар. Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи Ағитой Адиловнинг меҳнат фаолияти бунга яққол мисол бўлади. У ўзи раҳбарлик қилаётган «Тахтакўпир» ширкат хўжалигини республикамизда машъал хўжаликка айлантирди. Қозоқ миллатига мансуб бу моҳир раҳбарнинг тажрибаси оммалаштирилмоқда. Берунийлик машҳур фермер, ўзбек Рейимбой Йўлдошев, илғор маиший хизмат ходими, корейс Ольга Хан ва бошқаларнинг қайноқ фаолияти ҳар қандай таҳсинга лойиқ. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Турли миллат вакиллари ҳамжиҳатликда меҳнат қилаётган Қорақалпоғистон кун сайин гуллаб-яшнайверади. Бунга ишончимиз комил.

Қанотбой ИСМОИЛОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари.

Дўстликка дастёр бўлаяпти

Мустақиллик мамлакатимизда яшаётган барча миллатларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш, миллий-маданий анъаналарини сақлаб қолиш ва бойитиш имконини бермоқда. Республика Қозоқ миллий-маданий марказининг Қорақалпоғистон бўлими фаолияти ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

Қорақалпоғистонда дастлаб қозоқ тилида «Достық туы» («Дўстлик байроғи») газетаси ташкил этилган эди. Бугун унинг қаторига «Оркен» («Тараққиёт») ойномаси ва «Жамбасқала таны» («Ёнбошқалъа тонги») газеталари ҳам қўшилди. Уларда қорақалпоғистонлик қозоқларнинг ҳаёти, бошқа қардош миллатлар билан ҳамкорликда амалга ошираётган эзгу ишлари муттасил ёритиб борилади.

Улуғ қозоқ оқини Абай тавалудининг 150 йиллиги билан боғлиқ тадбирларни халқона тарзда ўтказган бўлсак, Навоий, Бердақ, Ажиниёз каби алломаларимизнинг тавалуд саналарини ҳам эҳтиром билан нишонладик.

Турли миллатлар орасидаги дўстликни мустаҳкамлашда, айниқса, театрнинг ўрни беқиёс, деб ўйлайман. Ана шуни ҳисобга олиб, Қорақалпоғистонда «Бесқала» («Беш қалъа») номли қозоқ миллий театри ташкил этилганди. Йўқ, адашмаган эканмиз. Чунки театр бугун ўзининг томошабинларига эга, деб бемалол айта оламиз.

Республикамизда бир қанча қозоқ умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ва Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида қозоқ тили ва адабиёти бўлимлари мавжуд. Ҳа, халқларимизнинг азалий дўстлиги бардавом бўлсин, деймиз!

Сафарбой НУРХЎЖАЕВ,
Қозоқ миллий-маданий маркази раиси.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни?

Мен файласуф эмасман. Аммо бугун менга «Сен нечун севасан Ўзбекистонни?» деб савол берсалар, ҳеч иккиланмасдан: «Бу тупроққа менинг киндик қоним тўкилгани учун, бу заминда инсон қадр топгани учун, бу юртда қарияларга эҳтиром, оналар ҳамда болаларга эътибор, ёшларга ишонч билан қаралаётгани учун, бу элда ўнлаб миллат вакиллари бир ота, бир она фарзандларидек аҳил яшаётгани учун, ўзим ҳам шу ерда қадр топганим учун, инсоний ғурурга эга бўлганим учун!», деб жавоб берган бўлардим.

Ана шундай бахт бугун Ўзбекистонни, Қорақалпоғистонни севган ҳар бир фуқарога, ҳар бир миллат вакилига насиб этаётгани янада фараҳбахшдир.

Гулмира МУСТАФОЕВА,
Зулфия номидаги мукофот совриндори.

«Дўстлик» корхонаси

Уст-юрт... Уни эслаганда кўз олдимизга дарров бепоён дала, уч-адоғи йўқ дашту биёбон, ташналикдан ҳориб-чарчаган, ҳолдан тойган геологлар келади...

Эндиликда Уст-юрт ҳақидаги тушунчалар тобора янгиланиб, ўзгариб бормоқда. Бир олимнинг «Қорақалпоғистоннинг келажаги Уст-юрт билан боғлиқ», деганини аввал ҳазм қилолмагандим. Энди-энди тушуниб етаяпман.

Тўғри-да Қўнғирот сода заводидай улкан иншоотнинг Уст-юрт этагида қад ростлашини собиқ иттифоқ даврида тушингизда ҳам кўролмасдингиз. Ана шундай улкан заводни бугун ўндан ортиқ миллат вакилларидан иборат бинокорлар бунёд этмоқдалар.

Умумий қиймати 654,2 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган бу корхона наинки Қорақалпоғистон, балки бутун мамлакат иқтисодиёти, халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга. Чунки, у ишлаб чиқарадиган кальцийли сода металлургия саноатининг ўзига хос ва асосий «озуқа»си ҳисобланади. Заводни том маънода истиқлол иншооти, дўстлик ва ҳамжиҳатлик корхонаси, деб аташ мумкин.

Владимир ТЯНЬ,
Қўнғирот сода заводи қурилиш директори муовини.

Бир умрга боғландим

Биз яшайдиган жой Қорақалпоғистоннинг шимолий қисмида жойлашган. У, ҳатто, бир томондан Орол денгизининг эски соҳилига бориб туташади. Бу ердаги экологик аҳволнинг қандайлиги ҳаммага аён. Лекин қораўзакликларнинг бағрикенглиги, чидам ва матонати, меҳнатсеварлиги мени бу ерга бир умрга боғлаб қўйди.

Эл дастурхонини тўкин қилишда биз — чорвадорларнинг ҳам ўзимизга яраша улушимиз бор, деб ўйлайман. Тўғри, чорвачиликдаги ишларимизни ҳали кўнглимдагидай деёлмасам-да, лекин аста-секинлик билан ўзгаришлар бўлаётгани сир эмас. Энг муҳими, моддий манфаатдорлик, мулкка ва ерга эгалик туйғуси пайдо бўлди. Бу туйғулар бирлашса, мамлакат янада обод ва ундаги дўст миллатлар янада бахтли бўлишлари шубҳасиз.

Зоя ЧЕРНОВА,
Қораўзак туманидаги О. Дўстназаров номидаги ширкат хўжалиги сут соғувчиси.

«Тараққиёт»ни ҳамма танийди

Ҳар қандай тузум ва ҳар қандай жамиятнинг моҳияти унинг инсонга бўлган муносабати билан ўлчанади. Шўролар тузуми шароитида жонимни жабборга бериб, ишлабман-у, лекин ҳеч ким «Кўнглингдан нималар кечаяпти? Қандай гапларинг бор?» деб сўрамабди. Истиқлол, дарҳақиқат, инсон қадрини юксалтирди.

Президентимиз «Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин!» дедилар. Шундан илҳомланиб, мен ҳам шаҳримизда тил ўрганиш маркази тузиш ташаббуси билан чиқдим. Ва уни барча жойларда қўллаб-қувватлашди. Ҳозир «Прогресс», яъни «Тараққиёт» тил ўрганиш марказимизни наинки мамлакатимизда, балки ундан ташқарида ҳам яхши билишади. Бизда тил ўрганиб чиққан ёшлардан бир қанчаси Европа ва Американинг энг илғор университетларида таълим олишаяпти. ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги вакили ҳам марказимизда бўлиб ўзининг амалий ёрдамларини аямади. Асосан инглиз тилидаги адабиётлардан ташкил топган янги кутубхонамизнинг очилиш маросимида АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси ҳам қатнашди. Ҳозир ташкилотимиз инновация типидаги бизнес марказига айланмоқда. Камтарона меҳнатим истиқлолдан сўнг икки бора муносиб тақдирланди. Бундан мамнун бўлмай бўладими?

Лилия ЛОГАЗИДЗЕ,
Нукусдаги «Тараққиёт» тил ўрганиш маркази раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, «Дўстлик» ордени соҳиби.

Материалларни Абдувоҳид ОЧИЛДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбирлари Янгибой ҚЎЧҚОРОВ ва Исмат ХУДОЁРОВ тайёрлади.

Излаган имкон топади

Ишчи... деҳқончилик ҳам қилади

«Бойлик осмондан чалпак бўлиб ёғилмайди. Уни биз яратамиз». «Қорасув пайпоқ тўқиш фабрикаси» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ишловчиларнинг фикри ана шундай. Улар бизни харидорга ўхшатди шекилли, ўз таклифларини ўртага ташлашди:

— Пайпоқнинг ёзлигидан керакми ёки қишлигидан?

— Катта-кичиклиги-чи? Қайси ранги сизларга кўпроқ ёқади?

— Мабодо, жўжа ёки парранда олмайсизларми? Йилқига, мол-қўйга тобларинг қалай?

Қизиқ, пайпоқ тўқувчиларга чорванинг нима дахли бор? Корхона раҳбари Олимжон Раҳимов саволимизга майин табассум билан жавоб қайтаргач, бизни ҳовли томон бошлади. Мен илгари ҳам бу ерда бир-икки бор бўлганман. Ҳайҳотдай бостирмалар ҳувиллаб ётар, бу ишчилардан биронтасининг қадами бу ерга етмаганидан далолат берарди. Энди-чи? Кўзларимга ишонмайман. Бостирмалардан бири унча-мунча чорва фермасидан қолишмайдиган қўйхонага айлантирилган эди.

— Икки юз бош қўйимиз бор, — деди Олимжон ака. — Ем-хашак етарли.

Кейин у бизни молхонага айлантирилган яна бир бостирмага олиб кирди. Боқувдаги элликдан ортиқ новвос семизлигидан ялтирайди.

— Тўрт юз бош қорамолимиз ҳам бор, — дея зотдор сўқимларга ишора қилди Олимжон ака. — Шундан етмиштаси соғин сигир. Сут-қатиқни ишчиларга бепул берамиз.

Қўплаб хўжаликларда, ҳатто чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган жамоаларда ҳам бу соҳа депсиниб қолгани сир эмас. Шу боис сут-қатиқ, гўшт ва тухумнинг нархи камаймаяпти. Шундай пайтда корхона қошида ҳавас қилса арзигулик чорвачилик фермаси ташкил қилингани, салмоқли натижаларга эришилаётгани, энг муҳими, ишловчиларга ҳар ойда бозордагидан анча арзон нархда гўшт, тухум сотилаётгани кимни қувонтирмайди, дейсиз? Қанийди, бошқа корхоналар ҳам шу йўлдан борса. Ишловчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини озми-кўпми қондиришга ўз ҳиссасини қўшса.

Олимжон Раҳимов билан бирга йўлга тушдик. Одамлар билан гавжум кўчалар, дов-дарахтларга бурканган қишлоқ маҳаллалари, боғ-роғлар ортда қолди. Кўз олдимизда шолипоя намоён бўлди.

> — Ўзимизники, — дея жилмайди у. — Биласизми, бу жой илгари бийдай тошлоқ ер эди. Ҳисоб-китобни чўтга ташлаб кўрсак, натижа ёмон бўлмади. Тўрт минг машина тупроқ, гўнг келтириб, сунъий ер ҳосил қилдик. Шоли экдик. Аслини олганда, шолидан бошқа экин битмайди бу ерда. Ўн гектар ерни цехларга тақсимлаб берганмиз. Ишчиларимиз шанба-якшанбани шу ерда ўтказишади. Худо хоҳласа, мўл ҳосил битади. Биласизми, омборида дони бор одамнинг бели бақувват бўлади. Астойдил меҳнат қилади. Бундай одамнинг ишида унум, барака бўлади.

Олимжон ака бизни атрофи пахса девор билан ўралган қўрғонга олиб кирди. Атрофни ўрдакларнинг «ға-ға»си тутди гўё.

— Димиқиб қолмасин, — дея кўрсатма берди у паррандабоқарга. — Анҳорга олиб чиқинг. Бу жониворлар сув билан тирик, ахир.

— 2200 бош паррандамиз бор, — суҳбатни давом эттирди директор. — Кўпи тухум қўяди. Уни яна кўпайтирамиз. Мўлжалдан ортганини сотувга чиқармоқчимиз. Ишчиларимизнинг дастурхонига парҳез гўшт, тухум кириб бориши шарт.

Биз яна фабрикага қайтдик. Цехларни айланар эканмиз, кутилмаганда жўжа очириладиган инкубаторга дуч келдик. Фабриканинг мўъжазгина хонаси инкубаторга айлантирилган экан. Бу ерда 14 минг дона тухум жойланадиган ва ундан жўжа очириладиган махсус мослама ўрнатилган. Асакадаги «Ниёзботир» паррандачилик фабрикасидан мутахассис таклиф ҳам этилибди. Энди у тармоқни сердаромад соҳага айлантиришга масъул.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Корхонадагилар ўз ҳудудидаги оддий паррандадан тортиб дарахтгача даромад берсин, дейди. Ва шу мақсадда астойдил ишлашмоқда. Корхонанинг икки гектардан иборат боғи бултур мевага кирган. Пайпоқ тўқувчилар сархил меваларни қиш ва эрта баҳорда истеъмол қилиш учун ҳозирдан шарбатлар тайёрлашга киришдилар.

Бугун корхонада 700 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Бу ерда тўқилаётган эллик турдан иборат пайпоқ бозорда харидоргир. Ойлик иш ҳақи ўз вақтида бериб борилмоқда.

— Тўқув дастгоҳларининг аксарияти Россиядан келтирилган экан, эҳтиёт қисмлар масаласи қандай ҳал бўлмоқда? — сўраймиз Олимжон Раҳимовдан.

— Бунинг ҳам йўлини топдик, — дейди у. — Корхонамиз қошидаги «Фарҳод» фирмаси қўй терисини ошлаб, нимча, шуба, дублёнка тайёрлашни ўзлаштирди. Маълумки, бу маҳсулотларга Россия бозорида талаб катта. Ундан тушган пулга эҳтиёт қисмлар сотиб оляпмиз. Натижада, корхона бир маромда ишламоқда.

Биз корхонанинг профессор Қосим Жалолов етакчилигида фаолият кўрсатаётган саксон ўринли сиҳатгоҳида ҳам бўлдик. Ҳашар йўли билан тикланган ўн минг ўринли ўйингоҳ, новвойхона, чойхоналар ҳам одамлар билан гавжум. Корхона ишчи-хизматчилари томонидан экилган мирзатераклар эса шамол оғушида чайқалади.

— Мустақиллик бизга кўп нарса берди, — дейди Олимжон Раҳимов. — Ҳамма гап имкониятлардан қай даражада фойдаланишда қолган. Ишнинг кўзини билиб, ҳалол меҳнат қилганларга омад ёр бўлаверади.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ.
«Халқ сўзи» мухбири.

Қўшма корхоналарда

ХОРИЖ САРМОЯСИ АСОСИДА

Сурхондарё вилоятида ўтган бир йил ичида қўшма корхоналар сони камайган бўлса-да, уларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар ҳажми қарийб уч баравар ўсди. Бунда айниқса, «Алпомиш», «Олтин чигит» қўшма корхоналарининг ҳиссаси катта.

* * *

Яқинда Германиянинг «Петкус-ВУта ГМБХ» фирмаси вакиллари Қумқўрғон тумани дон маҳсулотлари корхонасида бўлишди. Бу ерда йилига 20 минг тонна уруғлик тайёрлайдиган қўшма корхона бунёд этиш мўлжалланмоқда.

— Энг замонавий технология билан жиҳозланган янги мажмуада буғдойни тегирмон кондициясига етказиб тозалаш имконияти яратилади, — дейди «Қумқўрғон-дон» акциядорлик жамияти раиси Исмоил Йўлдошев. — Қолаверса, 40 та янги иш ўрни яратилади.

* * *

Шу тумандаги «Сурхон» темир-бетон жиҳозлари корхонаси эса Англиянинг «Еврокомерс ЛТД» фирмаси билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Бир қатор ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам хориж сармояларини киритиш лойиҳалари устида изланишлар олиб борилмоқда.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Италияда нашр этиладиган «Ла Репубблика» газетаси иловаси — «Виаджи» (Саёҳат) ҳафтаномасининг яқинда эълон қилинган материаллар тўплами ана шундай номланган. У қадимий шаҳар — Самарқанднинг тарихи ва меъморчилигига, ўлкамизнинг миллий анъана ва урф-одатларига бағишланган. Шунингдек, ҳафтаномада республикамиз бўйлаб саёҳат қилишни режалаштирган италиялик сайёҳлар учун ҳам барча зарур маълумотлар чоп этилган.

«Виаджи»нинг эътирофи

Италия археологларининг Ўзбекистонга миссияси доирасида Самарқанднинг XV аср шаҳар қурилиши режасини тиклаш лойиҳасига раҳбарлик қилган профессор А. Аудженти ўз мақоласида бу кўҳна мегаполиснинг тарихи, Осиёдаги кўпгина мамлакатларни Ғарб билан боғлаган Буюк Ипак йўли ҳамда бу ерда бўлган таниқли саёҳатчилар — Марко Поло ва Ибн Батута, шунингдек, буюк саркарда Амир Темур ҳақида ҳикоя қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти директори, профессор Т. Ширинов тақдим этган мақолада эса Буюк Ипак йўлида жойлашган икки кўҳна шаҳар — Самарқанд ва Рим муқояса қилинади. Унда Самарқанднинг Марказий Осиё ва Шарқда, Римнинг эса Европа ва Ўрта ер денгизи ҳудудида тутган аҳамияти алоҳида таъкидланади.

«Жаҳон» АА.

НАВБАҲОР МАРРАДА

Навбаҳор тумани пиллакорлари давлатга пилла сотиш шартнома-режасини бажарди. Қабул пунктларига 172 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси топширилди. Ҳар қути ипак қурти уруғидан 52 килограммдан ҳосил олинди. Жумладан, қарийб 30 тонна уруғлик пилла тайёрланди. Бу муваффақиятга «Гигант», «Истиқлол», Навоий, Охунбобоев номидаги ширкат хўжаликлари пиллакорлари муносиб ҳисса қўшди. Жорий йилда туман хўжаликлари фақат пилланинг ўзидан 12 миллион сўм соф фойда олишни мўлжалламоқда. Айни кунларда туманда режага қўшимча пилла топшириш қизғин давом этяпти.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

2001 йил — Оналар ва болалар йили

МЕҲРНИНГ СУРАТИ ЙЎҚ

Гулистон шаҳридаги 27-Меҳрибонлик уйида бўлиб ўтган учрашувдан болакайларнинг бошлари осмонга етди. Бунга сабаб уларга улашилган совға-саломларгина эмасди.

Ота-она қучоғидан, унинг меҳридан бенасиб болага аслида кўп нарса керакми? Унинг қорни тўқ, усти бут, қўлида қўғирчоғию, велосипеди, озода ётоғию, ҳар куни қатнайдиган машғулоти бўлса, басми? Лўнда қилиб айтганда, бола ҳаётининг мазмунини фақат ана шу нарсалар ташкил қиладими?

Гулистон шаҳридаги 27-«Меҳрибонлик уйи»да бўлиб ўтган навбатдаги тадбирдан сўнг кўнглимдан ана шундай ўйлар ўтди.

98 нафар болакайнинг аксарияти бирон маротаба ота-онасини кўрмаган. Уларнинг митти юракларида ҳамиша ана шу бўшлиқни тўлдиришга интилиш бор. Одатда уларнинг ҳар бири бу ҳақда очилиб-сочилиб гапиришмайди. Аммо соғинч туйғуси ҳам ҳеч қачон бу болалар юрагини тарк этмайди...

Бу ерда яхши яшаш, ўқиш, тарбияланиш учун ҳавас қилгулик шарт-шароит яратилган. Аммо...

Вилоят ҳокимлиги ва прокуратураси ҳамда Гулистон шаҳар ҳокимлиги ана шу «аммо» сўзига сабаб бўладиган туйғу ва ҳисларнинг ўрнини тўлдириш учун ажойиб ташаббусга қўл урди: бундан кейин болалар уйларида истиқомат қилувчилар одамлар орасида, оилада, меҳрибон кишилар даврасида бўлиши шарт. Фақат мана шундай шароитда бу болакайлар ҳар томонлама етук ва комил инсонлар бўлиб улғайишади.

Бу ҳақда вилоят прокурори Эшмамат Бердимуродов шундай деди:

— Сизу биз бошлаган бу ишга вилоятдаги барча корхона ва идора раҳбарлари, қалбида эзгулик жўш урган одамлар астойдил бош қўшишлари лозим. Бу қандайдир хўжакўрсинга ёки

эътиборни тортиш учун ўтказилаётган тадбир эмас. Мабодо, бу масалада хўжакўрсинликка йўл қўйилгудек бўлса, биз бошқаларни эмас, энг аввало, ўзимизни алдаган, ўзимизга хиёнат қилган бўламиз...

Учрашувда Давлат мулк қўмитаси Сирдарё вилоят бошқармаси бошлиғи Мансуржон Бобоев айтган мана бу сўзлар ҳамманинг қалбига чўғ солди:

— Шу бугундан бошлаб бизнинг жамоага яна бир аъзо келиб қўшилди. У ҳали балоғат ёшида эмас. Аммо бу йигитча ҳозирдан эътиборан бизнинг меҳримиз паноҳида, кўнглимиз ардоғида бўлади. Уни бошқармамиз қошидаги махсус мактабда ўқитамиз, ишга жойлаймиз. Ўқишни тугаллагач эса уй қуриб берамиз. Бу жажжи ўғлимиз вояга етиб, уйлангандан кейин унинг фарзандларини ҳам ўз неварамиз каби кўзимиз қароғида олиб юрамиз...

Вилоят «Уйжойжамғармабанк» бошқаруви раиси муовини Ўрол Яхшиликов ажойиб бир таклифни ўртага ташлади:

> — Мен бугун ҳаяжон билан бу учрашувда қатнашаяпман. Ўнлаб корхона, ташкилот ва қалби дарё ҳомийлар бир ва бир неча кичкинтойни то вояга етгунча ўз қарамоғига олаётганлиги, назаримда, ҳали ҳеч учрамаган воқеа. Улар ҳисобига банкларга пул қўйилаётганлиги ҳам оддий бир фуқаро сифатида мени тўлқинлантириб юборди. Бир болада шу бугун қўйилган минг сўм пул у балоғатга етганда 100 минг сўм, 50 минг сўм маблағ эса кичкинтой 18 ёшга тўлганда роса беш миллион 400 мингга етар экан. Бундан суюнмай, қувонмай бўладими!

Эндиликда бу «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётган ҳар бир бола ҳафтада бир маротаба оила қучоғида бўлади. Ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатни ўз кўзи билан кўради. Ўзи бўлган хонадонда таом тайёрлашдан тортиб, сигир соғишу боғ-роғларда ишлашгача бўлган жараёнда иштирок этади. Унинг ўқиши, жамоат ишида иштирок этиши, саломатлиги, дунёқарашининг шаклланиши ҳомий ташкилотлар раҳбарларию уларнинг ходимлари томонидан мунтазам кузатиб борилади. Бир сўз билан айтганда, мана шу кичкинтой ўғил-қизларнинг мактабни тугаллаб, турли билим даргоҳларига ўқишга киришидан тортиб то оила қургунларигача бўлган катта бир давр доимий меҳрибонлик билан, адоғи йўқ меҳр билан қамраб олинади.

Тадбир сўнггида вилоят нефт маҳсулотлари бошқармаси, ёғ-экстракт заводи, «Лола» ҳиссадорлик жамияти, вилоят «Болалар» жамғармаси, бир неча автокорхона вакиллари кичкинтойларга совға-саломлар туҳфа этишди.

Аммо болакайларнинг кўзларида порлаган қувонч ва ҳаяжон учқунлари фақат совғалар туфайли чақнагани йўқ. Улар ўзлари талпинган, ўзлари интилган, ўзлари узоқ йиллар кўнгилларида пинҳона олиб юрган ажиб бир армонлари ушалиб, ғалати бир орзу дарвозалари қаршисида бўй ростлаётгани учун катталарга мунис ниҳоҳларини узмай қараб туришади.

Меҳрнинг сурати йўқ. Меҳрнинг ранги йўқ. Бироқ ана шу сурати ва ранги бўлмаган гўзал инсоний бир туйғу ўша куни жажжи юракларга қўниб ўтганлиги рост эди.

Умринг узун, қадаминг шаҳдам бўлсин, МЕҲР!

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХУНАРМАНДЛАР ГРАНТ ОЛДИ

"Ҳунарманд" республика уюшмасининг Шаҳрисабздаги туманлараро бўлими Япония элчихонасининг 50 минг АҚШ доллари миқдоридаги грантига сазовор бўлди. Бўлим раҳбари Гулнора Одиловнинг айтишича, ушбу грант ҳисобига Шаҳрисабзда халқ амалий санъати галереяси ташкил этилади. Шунингдек, грант маблағидан воҳада заргарлик, кандакорлик каби энг қадимий халқ ҳунармандчилиги анъаналарини тиклаш мақсадларида ҳам фойдаланилади.

Айни пайтда мазкур уюшма бўлими қатор хорижий ҳамкорлар билан яхши алоқа ўрнатган. Бўлим шартнома асосида чет элга миллий каштачилик маҳсулотлари, жумладан, дўппи, ҳамён, ёстиқ, нимча, сўзаналарни экспорт қилмоқда. Умуман, улар ташаббуси билан Шаҳрисабзда халқимизнинг қадимий, миллий ҳунармандчилигини тиклаш борасида ибратли ишлар амалга ошириляпти.

А.ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири.

Дийдорлашув

Замонавий қаҳрамон — давр талаби

Ўн йил бўляпти. Мамлакатимизда ҳар жабҳада янгиланиш, яратиш, ўзгариш, ўнгланиш кетяпти. Кун ора, ҳафтада бир иқтисодий тараққиёт, маънавият, фан-техника ривожи билан боғлиқ албатта, бирон янгилик эшитамиз. Бироқ уларни кимлар амалга оширяпти, ҳаётимиз янада фаровон бўлиши учун кимлар куйиб-ёниб яшаяпти, меҳнат қиляпти. Бу билан деярли қизиқмаймиз. Жиддийроқ ўйлаб қаралса, ахир шу фидойи инсонлар эмасми бугунги кунимизнинг асл қаҳрамонлари? Шулар эмасми мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартиришга муносиб ҳисса қўшаётган, ўзининг самарали меҳнати билан Ўзбекистонни дунёга танитаётган кишилар.

Бироқ бу замондош қаҳрамонларнинг бадиий образи бугунги кун ўзбек адабиётида негадир деярли кўринмаяпти. Тўғри, прозаиклар очеркларга қўл уришяпти, журналистлар изланишяпти. Драматурглар, саҳна ижодкорлари-чи?

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг драматургия кенгашида бўлиб ўтган маслаҳат йиғилишида шулар ҳақида гап борди. Бу диллашув нафақат драматургларни, балки «Ўзбектелефильм», «Ўзбектеатр» ижодкорлари, театрларнинг режиссёрлари, мунаққид олимларни ҳам бефарқ қолдирмади. Сабаби битта — бугунги кун қаҳрамони — одамларга ўрнак бўлоладиган, кўпчиликни ортидан эргаштира оладиган қаҳрамонлар қиёфасини яратиш муаммо бўлиб турибди.

Йўлдош СУЛАЙМОН: — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари:

— Қизиғи шундаки, бугун кўпчилик телевизор, театр, саҳна асарлари кўриш билан андармон. Шу маънода, мустақиллик фидойиларининг бадиий образини, аввало, телевиденеда, саҳнада яратиш драматурглар зиммасига катта вазифалар юклайди. Демоқчиманки, театр, саҳна, артист, режиссёр драматурглардан етук замонавий асарлар кутяпти. Ахир ҳозирги замон қаҳрамонлари орамиздаку. Фақат уларни илғаб, пайқаб ола билиш керак, холос.

Муҳаммадали АБДУҚУНДУЗОВ — «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари:

— Очиғини айтиш керак, бугун драматургларни «Қизил китоб»га киритиш керак, шекилли. Чунки фаолият кўрсатаётган 38 та театрларимиз учун замонавий мусиқий драмалар етишмаяпти. Ижодкорлар ҳамиша, ҳар қандай шароитда ҳам қийинчиликларни енгиб, ўз асарлари билан ўзгалар дилини хушнуд этганлар. Буни унутмайлик. Юртбошимиз замон қаҳрамонлари бадиий сиймосини акс эттирадиган асарлар яратишга ижодкорларни даъват этаётган бир пайтда, келинглар, уни драматургиядан, саҳна асарларидан бошлайлик.

Мирзааҳмад ОЛИМОВ: — «Ўзбектелефильм» студиясининг бош директори:

— Давлатимиз бадиий ижод соҳасига алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётгани сир эмас. Бунинг яққол исботи — бизда фильм олувчилар, монтаж қилувчилар энг замонавий аппаратуралар, асбоб-ускуналар билан таъминланган. Бироқ замонавий қаҳрамонлар тимсоли яратилган сценарий папкаларимиз бўш турибди. Бугунги йиғилишидан фойдаланиб шуни айтмоқчи эдимки, ижодкорлардан яхши асарлар кутамиз. Ҳатто сценарий ёзиш учун уларни моддий рағбатлантириш, зарур шарт-шароит яратиб беришга ҳам қурбимиз етади...

Ҳа, гап кўп, таклифлар инчунун. Шу кун диллашганлар ўй-хаёлига айтилган фикрлардан бирортаси туртки бўлиб ижодкорларимиз замон, давр, асримиз талаб этаётган қаҳрамонлар қиёфасини яратишса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

Республика Таълим марказида Халқаро Қизил Хоч қўмитаси, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Миллий жамияти, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида "Инсон ва жамият" курси бўйича қўшимча ўқув қўлланмасини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда барча вилоятларнинг халқ таълими бошқармалари, малака ошириш институтларидаги соҳа мутасаддилари иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, икки йил муқаддам нашр этилган икки қисмли мазкур ўқув қўлланмаси 8 соатлик машғулот учун мўлжалланган бўлиб, унда ўқувчиларда ҳар қандай шароитда бир-бирига инсонпарварлик ёрдами кўрсата олиш, халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи борасидаги билимларни мукаммал ўргатиш кўзда тутилган.

150 мингдан кўпроқ нусхада нашр этилган ушбу қўлланма мамлакатимиз мактабларининг 11-синф ўқувчиларига бепул тарқатилган, ундаги мавзуларни ўзлаштириш бўйича ўқувчилар ўртасида икки марта республика танлови ўтказилган эди. Эндиги танлов академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирокида ўтади.

Семинарда қўлланмани ўқитиш борасида орттирилган тажриба умумлаштирилди, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳаза билдирилди.

(ЎзА).

АПКАЛ-Г
(глюконат кальций 500 мг)

КАЛЬЦИЙ ГЛЮКОНАТ ҲАМИША СИЗНИНГ ҲАМРОҲИНГИЗ
ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ
/Сурхон ажанта лтд

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
умумий юзаси беш минг квадрат метр бўлган институт бинолари томларини таъмирлаш бўйича
ТЕНДЕР
эълон қилади.
Таклифлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ҳафта ичида қабул қилинади.
Мурожаат учун телефонлар: 53-07-83, 53-06-06.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАРИ: ХАЛҚАРО ТЕНДЕР.

ДИККАТ!

Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш (II босқич) лойиҳаси бўйича халқаро тендерда иштирок этиш учун танлов эълон қилинади.

2001 йил 28 майдан Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Японияниг халқаро ҳамкорлик банки томонидан ажратилган маблағ (кредит) ҳисобига Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш (II босқич) лойиҳаси бўйича ўтказиладиган халқаро тендерда иштирок этиш учун танлов эълон қилади (ЯХҲБ(JBIC) 1999 йил 14 декабрдаги № UZB–P4 кредит келишувига асосан, кредит қиймати 12.7 млрд. йен).

Танлов умумий ва ҳамма давлатлар учун очиқ.

Телекоммуникация, телевидение ва радио узатиш қурилмалари ишлаб чиқариш, етказиб бериш ҳамда оптик толали алоқа линиялари қуришга ихтисослашган компания ва фирмалар танловга таклиф этилади.

Танлов қуйидаги ЛОТлар бўйича ўтказилади:

1. ***Рақамли коммутация тизими.***
2. ***Узатиш тизимлари (SDH):***
   - *оптик толали узатиш тизими(SDH);*
   - *оптик толали кабел;*
   - *рақамли радиореле тизими;*
   - *тармоқларни бошқарув тизими;*
   - *оптик толали кабел қурилиши монтаж ишлари.*
3. **Симсиз абонент линиялари тизими (WLL).**
4. **Телевидение ва радио узатиш тизими.**

Танловда қатнашиш мезони ҳақидаги ахборот ва танлов ҳужжатларини олиш шартлари тўғрисидаги маълумотларни 2001 йил 28 майдан бошлаб душанбадан жумагача маҳаллий вақт билан соат 10.00 дан 15.00 гача Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг халқаро алоқаларни мувофиқлаштириш бўлимидан, қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин.

Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй.
Тел.: 137-45-32, 167-46-40, факс 144-51-26.
Эл.почта: interdep@uzpak.uz

Танловда иштирок этиш учун буюртмалар 2001 йил 9 июл соат 18.00 гача қабул қилинади.

Тақдим этилган таклифлар жойлаштирилган хатжилдларни очиш маросими 2001 йилнинг 10 июл куни соат 10.00 да Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигида ўтказилади.

2001 йил 12 июн соат 11.00 да Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигининг мажлислар залида барча компания ва фирмалар учун ўтказиладиган танлов тартиби бўйича маълумот берилади (Марказий почтамт биносининг ўнг томонидан кирилади, 4-қават).

ATTENTION!

NOTICE OF PRE-QUALIFICATION for bidding under "Telecommunications Network Expansion Project in the Republic of Uzbekistan, stage II"

Beginning from May 28, 2001 the Uzbek Agency of Posts and Telecommunications announces Pre-qualification for participation in International Bidding under "Telecommunications Network Expansion Project in the Republic of Uzbekistan, stage II", financed by Japanese Bank for International Cooperation (JBIC, Loan Agreement №UZB-P4 dated December 14, 1999, amount of the loan 12,7 billion Yen).

The Pre-qualification is common and open for all countries.

The companies and firms specialized in manufacture and delivery of telecommunication equipment and TV and radio broadcasting equipment, construction of fiber-optic communication lines are invited.

LOTS:

1. ***Digital Switching Systems;***
2. ***Transmission Systems (SDH):***
   - *Fiber-Optic Transmission Systems STM-1/STM-4;*
   - *Fiber-Optic Cable (FOC);*
   - *Digital Microwave Systems;*
   - *Network Management System (NMS);*
   - *Construction-Installation Works for FOC;*
3. ***Wireless Local Loop Systems (WLL)***
4. ***Television and Radio Broadcasting Transmitters***

The information about the criteria for participation in Pre-qualification and conditions of pre-qualification documents' purchase can be obtained beginning from May28, 2001 from 10-00 to15-00 local time from Mondaytill Fridayin International Relations Coordination Department of Uzbek Agency of Posts and Telecommunications bythe following address:

Tashkent
A.Tolstoy St., 1
Ph.: 137-45-32, 137-46-40
Fax: 144-51-26
E-mail: interdep@uzpak.uz

Applications for participation in Pre-qualification must be submitted till 18.00 on July 9, 2001.

Opening of envelopes with offers will take place on July 10 at 10.00 in the Uzbek Agency of Posts and Telecommunications.

General meeting for companies and corporations concerning the procedures of Pre-qualification will be held on June 12, 2001 at 11-00 in conference hall of the Uzbek Agency of Posts and Telecommunications (4th floor of Central Post Office building, right-side entrance).

ВНИМАНИЕ!

ОБЪЯВЛЯЕТСЯ ПРЕДВАРИТЕЛЬНЫЙ ОТБОР для тендера по проекту "Расширение телекоммуникационной сети Узбекистана, II этап"

Узбекское агентство почты и телекоммуникаций объявляет с 28 мая 2001г. предварительный отбор для участия в международном тендере по проекту "Расширение телекоммуникационной сети Узбекистана, II этап", финансируемому Японским банком международного сотрудничества (JBIC, кредитное соглашение № UZB-P4 от 14 декабря 1999 года, сумма кредита 12,7 млрд. йен).

Предварительный отбор общий и открытый для всех стран.

Приглашаются компании и фирмы, специализирующиеся на производстве, поставке телекоммуникационного и телерадиовещательного оборудования, строительстве волоконно-оптических линий связи.

ЛОТЫ:

1. ***Цифровые коммутационные системы.***
2. ***Системы передачи (SDH):***
   - *волоконно-оптические системы передачи STM-1/STM-4;*
   - *волоконно-оптический кабель (ВОК);*
   - *цифровые радиорелейные линии;*
   - *система управления сетью (NMS);*
   - *строительно-монтажные работы по ВОК.*
3. ***Системы беспроводного доступа (WLL).***
4. ***ТВ и радиопередающие системы.***

Информацию о критериях для участия в предварительном отборе и условиях приобретения предквалификационных документов можно получить с 28 мая 2001 года с 10.00 до 15.00 местного времени с понедельника по пятницу в Отделе координации международных связей Узбекского агентства почты и телекоммуникаций по адресу:

г. Ташкент,
ул. А. Толстого, 1.
Тел.: 137-45-32, 137-46-40.
Факс 144-51-26.
e-mail: interdep@uzpak.uz

Заявки на участие в предварительном отборе принимаются до 18.00 9 июля 2001 года.

Вскрытие конвертов с предложениями состоится 10 июля в 10.00 в Узбекском агентстве почты и телекоммуникаций.

Общее собрание для компаний и фирм с целью информирования о процедурах предварительного отбора будет проводиться 12 июня 2001г. в 11.00 в актовом зале Узбекского агентства почты и телекоммуникаций (4-й этаж здания Центрального почтамта, вход с правой стороны).

Васият

Ҳажвия

Бир центнердан мўлроқ эти бор аёлнинг икки ҳафтада ярим тутамли раққосадек ихчамлашиб қолиши ҳаммадан ҳам яккаю ягона синглисини кўпроқ қайғуга сола бошлади.

— Биттаю битта жигарбандимдан айрилиб қолсам-а. Бонухон опам менга онам ўрнидая! Қолаверса, очиқ қўлли, аёл боши билан қавм-қариндошагина эмас, етти ёт бегона, бева-бечораларнинг каму кўстига ҳам қарашиб турибди. Худо кўрсатмасин, тағин бирор кор-ҳол рўй берса, мен нима қиламан, бўйи етиб турган икки қизи, дунё кетса кетсин, нима қилиб бўлса ҳам битта ўғил кўраман, деб доллар тўплаётган эри-чи?

Барно шу хаёллар билан кенжатойини етаклаб опасиникига етиб келгач, аҳволни кўрдию, юраги тарс ёрилай деди.

— Ана кўр, — деди Бону синглисига, хонтахта устида турган расмга ишора қилиб.

— Расмлар ҳам бор бўлсин-да, ичинг ғулдираб, дамланса ҳам қорайтириб кўрсатаверади.

— Бу галгиси дам-пам эмас, нақд раккa ўхшайди, сингилжон, дўхтирлар ҳам жўрттага мужмаллик қилиб, бор гапни очиқ айтишмаяпти.

— Нималар деяпсиз, опажон, ракдан худо асрасин, рак бўлсангиз, томоғингиздан сув ҳам ўтмасди, худога минг қатла шукурки, иштаҳангиз карнайдек, кўз тегмасин. Мана дастурхонингизда чумчуқнинг сутидан бошқа ҳамма нарса муҳайё.

— Иштаҳамдан нолимайман-ку, аммо сингилжон, манави расмдаги қурғур қора доғни кўриб, куним битиб қоляптими, дейман. Ўзим сени чақиртирай деб тургандим, келганинг яхши бўпти, хўп майли, вақт ганиматлигида қўлингга қалам, дафтар ол-да, ёз. Анави савил магнитафонни ҳам ёзадиган қилиб тайёрлаб қўй.

— Вой опажон, нафасингизни иссиқ қилинг. Ҳе йўқ, бе йўқ ваҳимага тушаверманг.

— Ваҳимами, бошқами, мен айтганларни яхшилаб эшитиб, ёз. Мабодо Оллоҳнинг ихтиёрига йўл ладиган бўлсам, авваламбор, иккала қизимга оналик қиласан. Уларга алоҳида, алоҳида сандиқларда набирасигача етадиган мол-дунёни босиб қўйганман. Катта қизим эрка бўлса ҳам ақлли, идрокли. Ўқишнинг бошини тутиб кетди, ишқилиб дадаси билан сарфлаган дунёмизнинг қадрига етиб, дипломли бўлиб олса, бас. Кичигини биласан, феъл-атвори оғирроқ, тили заҳар. Шундай бўлса ҳам анави домланинг талаба ўғли кўнгил қўйганга ўхшайди. Йигитнинг қўли қуруқроқ бўлса ҳам анча абжир дейишади.

Энди поччанг ҳақида. Биласан, бу бояқиш бир умр чизган чизиғимдан чиқмай келяпти. Эркак бўлиб бегона аёлга ола қараш қилмади, бечора. Кўп чўзмай, йилим ўтиб-ўтмай, бошини иккита қилиб қўясан. Ўгай тоғамнинг эри ўлган қизи бор, ўшани олиб берасан. Шўрлик икки йилки, эрсиз ўтирибди. Сих ҳам, кабоб ҳам қуймайди. Поччанг ҳам, қизларим ҳам мени қайта топишгандек бўлишади.

— Ҳа, айтмоқчи, эсимдан чиқяпти, — деб давом этди у. — Тақинчоқлардан инсоф билан олинглар. Қолганини поччангнинг янги хотинига, ошиб қолса, кенжа қизим ўзимизнинг дўконга чиқариб сотар. Кийимларимнинг одмироқларини анави совунфуруш қўшни аёлга берингглар, ўзи кийса кияр, киймаса келинларига берадими, совунга қўшиб сотадими, ўзи билади. Ўртача, тозароғини қўшни кўчадаги бева ўртоғимга тортиқ қилинглар, ҳар сафар янги кийим кийганимда, бечоранинг кўзи қолиб, ўти ҳам куйиб кетарди. Майли, бандасидан қайтмаса, худодан қайтар. Демак, келишдик. Энг асл тозаларини ўзинг билиб, бўлишарсан.

Шу пайт Бонунинг эри бир қўлида гул, бир қўлида катта фоторасм кўтарган ҳолда қувноқ кириб келди. Хотинининг бир аҳволда ўтирганини кўриб, ҳайрон бўлди.

— Ҳа, аяси, намунча сўлган гулдай ўтирибсиз, — деди унинг пешонасини ушлаб.

— Сўлиб эмас, ўлиб ўтирибман, дадаси. Яхшиям вақтида келдингиз, мен вақтни бой бермай, сингглимга васият ёздириб ўтирувдим.

— Васият!

— Ҳа, васият. Ўладиган бўлганингдан кейин, олдинроқ айтадиганингни айтиб олганинг маъқул. Қўққисдан уйқунгдами, ҳеч ким йўқлигидами, жонинг «пах» этиб чиқиб кетса, ичингдаги ўзинг билан кетади-қолади. Шундоқ экан, бор васиятимни қилдим. Сизни ҳам унутганим йўқ. Йилимни ўтказиб, ўгай тоғамнинг эри ўлган қизига уйланинг ...

— Э-э, тўхта, тўхта, нималар деяпсан, онаси. Васиятингни қўй, биз ҳали бирга узоқ яшаб, орзу-ҳавас кўрамиз. Мана, дўхтирнинг охирги хулосаси. Сенда рак-пак йўқ экан. Анави олдинги суратдаги хира доғ астасекин ювилиб кетадиган қуйқа экан, холос. Сен бўлсанг ваҳимага берилиб, аллақачон васият ҳам қилиб улгурибсан. Мана, сени бир хурсанд қилай деб гул ҳам олиб келдим. Кел, бир қучай.

— Васиятга энди ҳожат йўқ, фақат сиз олдингидек мусичаю беозор бўлсангиз, бас.

— Пешонага битгани шу бўлгач, қаёққа ҳам борардик, — деди эр жилмайиб.

Жўра УМАРҚУЛОВ.

ҲИКМАТ

Ўз эшигингни очиб қўйсанг, бошқаларнинг ҳам эшигини оча оласан.

Хандалар

— Мен асосан кечалари ижод қиламан, — деди ёш бир композитор Паул Линкега.

— Ҳа, ҳа, — деб жилмайди устоз — ўғирликларнинг асосий қисми ҳам, аслида, кечалари содир бўлади.

* * *

— Биласанми, Карл, кеча мен сенинг хотинингни тушимда кўрибман.

— Хўш, у сенга нима деб қичқирди?

— Ҳеч нарса деб қичқиргани йўқ.

— Унда адашибсан, дўстим, у менинг хотиним эмас.

* * *

Поездда бир йигит ўзи билан бир купеда кетаётган қизга нима деб сўз бошлашни билмасди. Ахийри, у шундай деди:

— Кечирасиз, сиз ҳам биз кетаётган поездда кетаяпсизми?

* * *

— Қўявер, азизим, мен уч марта турмуш қурдим, уч марта ҳам бахтсиз эрларим бир йилга дош беролмай вафот этишди. Бевалик пешонамга ёзилган экан.

— Тўртинчи марта ҳам бир синаб кўринг ўзингизни. Балки бу сафар аксинча бўлар!

Яна бир-икки кундан кейин ўқувчилар орзиқиб кутган ёзги таътил бошланади. Жиззах вилоятида бу йилги соғломлаштириш мавсумида 43 та болалар оромгоҳи фаолият кўрсатиб, уларда 7 минг 600 ўқувчи ҳордиқ чиқаради.

Оромгоҳлар болаларга мунтазир

Болажонларнинг яхши дам олишлари учун вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларига, касаба уюшмалари вилоят, туман бўлимларига, "Жиззахулгуржибиржасавдо", "Матлуботсавдо" компаниялари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, молия, ички ишлар, маданият ишлари бошқармалари, шунингдек бошқа тегишли муассасалар раҳбарлари зиммасига аниқ вазифалар юклатилган.

Вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда бу борада амалга оширилаётган ишлар яна бир бора муҳокама этилди. Йиғилишда бу масалада ҳамон айрим муаммолар мавжудлиги ҳам қайд этилди. Хусусан, Ш.Рашидов номидаги, "Бўстон", "Матлуботчи" дам олиш масканларида мавжуд камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Йўлчи ЖЎРА, ЎзА мухбири.

Мулоҳаза

Қўли қайтмаган «зўравонлар»

Кейинги пайтларда тўйлар, маросимлар, турли ўтиришларда зўравонлар тоифаси пайдо бўлган. Ундай зотлар истасангиз-истамасангиз, сизни ичишга қистайди. Худди ичкиликни ўзи сотиб олгану мақсадга эришса, ундан миннатдор бўлишингиз керакдай. Ҳаётда эса, қонунбузарлик ва жиноятчиликнинг аксарияти ичкиликбозлик оқибатида содир этилмоқда. Кайфи ошганда эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам маънавий жиҳатдан тубанлашишига мисол ахтариб ўтириш шарт эмас.

Даврада ичмайдиган кишининг ўтириши баъзиларга нега ёқмай қолаяпти? Эҳтимол, касалдир, бошқа дарди бордир. Йўқ, зўрловчи бундай сабабни тан олмайди.

«Юз грамм арақ овқатни ҳазм қилишга ёрдам беради!»

«Ичган одам — соғлом бўлади»

«Эркак одам ичади-да!»

Умуман, биз нима учун ичамиз, ўзи?

Албатта, хурсандчилик учун... Бироқ ичиб олганимиздан сўнг шодликнинг завқини билмай қоламиз. Тағин енгилроқ вино ичаман, деган суҳбатдошимизни масхара қиламиз. Бу таънадан чет элликлар ҳам «қуруқ қолишмайди».

«— Тавба, французлар ўймоқдай идишда ичиб кайф қилишаркан. Бизга қойил қолса бўлади — икки киши бир шишани уриб ташлаймиз!»

Ё алҳазар! Қачондан бери одам зоти арақ ичиши билан қудратли бўлиб қолди!?

Хизмат юзасидан туманларда бўлганда тўйларда қатнашишга тўғри келади. Баъзан дастурхонга қўйилган арақларни ичиб бўлмайди. Бир хўплаб қўямиз. Уй эгаси изоҳ беради:

— Нима қилайлик, ясама кўпайиб кетган.

Давраларнинг бирида тобим йўқлигини, дори ичганлигимни айтиб, ичмадим.

— Бекор қиласиз, — деди врач суҳбатдошим. — Юз грамм организмни жонлантиради, микроблардан тозалайди.

Ваҳоланки, мен ундан мадад кутгандим, қўллаб-қувватлайди, деб ўйловдим.

Албатта, биз тилга олган мавзу анчайин шахсий бўлиши мумкин. Фақат ўтинчим битта: у ҳам бўлса, ичмайман деганларни — беморларни, аёлларни арақ ичишга кўр-кўрона мажбур этмайлик. Яратганнинг олдида гуноҳимизни, озгина бўлсада, енгиллатайлик.

Фармон ТОШЕВ.

«ЎЗМИЛЛИЙБАНК» ГАЛЕРЕЯСИ БУХОРОДА

Етти йил муқаддам Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки мамлакатимиз мусаввирлари, ҳайкалтарошлари ва халқ амалий санъати усталари асарларини харид этиб, ўзининг бадиий галереясини ташкил қилишга киришган эди. Бугунга келиб, банк галереясида 900 га яқин рангтасвир асарлари, миллий ҳунармандчилик буюмлари тўпланган.

Ушбу галерея яқинда Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда Бухородаги Камолиддин Беҳзод номидаги санъат музейида намойиш этилди. Унда бухоролик ижодкорлар асарларига ҳам кенг ўрин берилди.

— Илгари шундай кўргазмани Нукус, Урганч ва Самарқанд шаҳарларида ташкил этган эдик, — дейди "Ўзмиллийбанк" галереяси директори, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги Б.Жалолов, — аммо, Бухородаги кўргазма бадиий савиясининг ғоят юксаклиги билан ажралиб туради. Чунки бу қадимий шаҳарда яшаб, ижод этаётган рассомларнинг дунёга ўз нигоҳлари, ўз бадиий услублари, оламни идрок этиш фалсафаси, ранглар палитраси бор. Мен "Истиқлол" деб номланган ушбу кўргазмани бухоролик рассомларнинг мустақиллик йилларидаги камолоти ҳақидаги ҳисоботи деб биламан.

Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.

TRAST TA'MINOT

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТИЛАДИ:

ЙЎЛКА ТОШТАХТАЛАРИ

5 ХИЛ

БАҲОСИ 1600 СЎМ.

ЧЕГИРМАЛАР БЎЛИШИ МУМКИН.

ТЎЛОВ ШАКЛИ ТУРЛИЧА.

ТЕЛЕФОНЛАР: 133-56-11, 133-89-44, 57-21-21.

Элтиб бериш имконияти бор.

Товар сертификатлаштирилган.

«ТРАКМАШАГРО» ОАЖ

КАМАЗ, МАЗ, ЗИЛ-130, ГАЗ-51, 52, 53, ЯМЗ 236-238, УАЗ-469 ВА БОШҚА ЮК АВТОМОБИЛЛАРИ ҲАМДА А01-М, Т-28, МТЗ-80, СМД 14, 17, 18, 20, 22, ДТ-75, Т-130, Т-150, Т-170, ЮМЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИ УЧУН

ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ

пул ўтказиш йўли билан сотади.

Товар сертификатлаштирилган.

Манзил: Тошкент ш., «Жарқўрғон» к., 43-«А» (мўлжал: «Ёзмойкомбинати»).

Тел.: (371) 191-93-82, 96-63-21.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2415, 26127 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — М. САФАРОВ. Навбатчи — У. ФАЙЗИЕВА. Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди 20.15
1 2 3 4 5 6

Ўт сафроси (буйракдаги), ошқозон-ичак оғриқларида самарали дори

АСПАЛЬГИН

Бу дори кучли оғриқни босади



ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ

/Сурхон ажанта лтд

Талабалар беллашганда...

Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат дорилфунунида ушбу ўқув даргоҳи ташкил топганлигининг 25 йиллигига бағишланган ўзбек кураши бўйича мусобақа ўтказилди. Уч кун давом этган беллашувда қорақалпоғистонлик талабалардан ташқари Тошкент шаҳри, Хоразм, Бухоро, Жиззах вилоятлари олий ўқув юртлари вакиллари иштирок этдилар.

— Мусобақа жамоамиз солномасига кирадиган ажойиб байрам бўлди, — дейди дорилфунун ректори, профессор, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси депутати Қ.Ўтениёзов. — Спорт ёшларни бирлаштирибгина қолмай, уларни юксак мақсадлар сари отлантиради!

Я.ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Наманган шаҳар, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

танлов савдоси (тендер)ни эълон қилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотларини қуйидаги объект бўйича танлов савдосида қатнашишга таклиф қилади.

Объект номи ва жойлашган манзили	Қуввати	Топшириш муддати
Норин тумани ҳокимлиги биносини қайта таъмирлаш		120 кун

Қурилиш Наманган вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармасига ажратилган давлат инвестиция ресурслари ҳисобидан олиб борилади.

Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари керак: зарур касбий ва техник имкониятларга, ишончлиликка, тажриба ва нуфузга, зарур одамлар ресурсларига, моддий маблағлар ва бошқа моддий-техник ресурсларига эга бўлиш, шунингдек шартнома (контракт) тузишга фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига ва ваколатларига эга бўлишлари талаб этилади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўров билан савдо ташкилотчиси - пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича Республика бошқармасининг Наманган вилоят филиалига эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш кун мобайнида қуйидаги манзилга:

Наманган ш., А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи), 4-қаватга, иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиш мумкин. Телефон/факс (8-36922) 6-14-50.

Бир комплект тендер ҳужжатларининг нархи 15000 сўмни ташкил этади.

Оферталар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш кундан кейин очилади.

Манзил: Наманган ш., Навоий кўчаси, 36-уй (3-қаватдаги мажлислар зали).

ОҒРИҚ?

ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ

АПАЛЬГИН

(500 мг анальгин) оғриққа қарши куч.

/Сурхон ажанта лтд

ТАШКИЛОТ ПРИМА ПАХТАСИНИ СОТИБ ОЛАДИ.

Тел.: 137-47-00, 137-48-00.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ДУ-20мм, ДУ-32мм, ДУ-50мм, Ф 76х3,5мм диаметрли пўлат трубалар ишлаб чиқаради ва савдо қилади.

ЭНГ АРЗОН НАРХЛАР ФАҚАТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАДИР!

Телефонлар: 41-31-72, 41-29-94, 41-25-72, факс: 144-38-18.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти жамоаси бош илмий ходим, тарих фанлари доктори Саидакбар Ризаевга онаси

САНОБАРХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК жамоаси Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгировага волидаи муҳтарамаси

Амина АБАЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.